

Коррекцион Машғулотларни Моделллаштишиш Тизими

Дәхқанова Муборакхон Гиезиддин қизи¹

Коррекцион машғулотлар жараёнида мутахассислар ўқувчиларда мавжуд нұқсонларни бартараф этиш учун болага мос ва хос бўлган технологиялар, воситалардан фойдаланиши тавсия этилади. Бу жараён болаларнинг умумий ривожланиши учун қулай шароит яратиб берувчи таълим-тарбия билан узвий боғланган ҳолда олиб борилади. Коррекцион машғулотларнинг мазмуни боладаги бирламчи ва иккиласынан камчиликлар даражасига қараб шакллантирилади. Бу жараёнда айнан тузатиши ишлари боланинг индивидуал ҳолатидан келиб чиқиб олиб борилади. Коррекцион машғулотларнинг ҳар икки тури албатта компенсатор хусусиятга эга бўлиши ва бир бирини тўлдириши лозим. Акс ҳолда болалардаги камчиликларни бартараф этиш имконияти камаяди.


Коррекция-лотинча *корректио* – тузатиши, лингвистик манбаларда “тўғрилаш, текислаш” каби маъноларни англатади. Мазкур тушунча фақат педагогик атама бўлмай, балки психология, социология, иқтисодиёт ва географик атамалар луғатида ҳам учрайди. Ушбу тушунча барча атамалар луғатида бир хил маъно, яъни тузатишинги англатади. Имконияти чекланган болалар ривожланишида индивидуал йўналтирилган комплекс таъсир чоралари муҳим шартлардандир. Мазкур тоифа болалар қайси таълим турига жалб этилмасин, албатта, коррекцион ёндашувлар асосида керакли ёрдамдан фойдаланадилар. Коррекцион машғулотлар болалардаги муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган жараён бўлса-да, бу жараён билан параллел равишда компенсация ишлари ҳам олиб борилади.

Компенсация- лотинчада *компенсатио*- ўрнини босиш, қайта тиклаш деган маънени англатади. Бунда боладаги бузилган ёки ривожланмаган тана аъзолари фаолиятини қайта тиклаш, бошқа соғлом тана аъзоси фаолияти билан ўрнини тўлдиришга қаратилган мураккаб ва кўп қиррали жараёни амалга оширилади. Яъни компенсация жараёнида инсондаги мавжуд имкониятлар тана аъзоларидан нұқсонли зоналар учун етакчи ёрдамчи ўрнида ишлашини тушуниш мумкин.

Коррекцион-компенсацион ишлар бир-бирини тўлдиради. Ногиронлик тури бўйича индивидуал режалаштирилади. Ҳар қандай индивидуал машғулотлар боладаги муаммони ҳал этишга йўналтириллади. Энг муҳими коррекцион машғулотлар мактабгача таълимдами, мактабдами, маҳсус мактабдами ташкил этилмасин, улар нұқсонни тузатиши, уйншатиши, бартараф этиш ва билинмайдиган ҳолатга келтириш функцияларини бажаради. Мазкур функциялар қуйидаги мақсадни кўзлайди, яъни академик-ижтимоий потенциалга таянган ҳолда болаларни фаоллаштириш, мотивациялаш, ўзига ишончни барқарорлаштириш орқали таълим олишга кўмаклашиш.

¹ Чдпу, Махсус педагогика кафедраси ўқитувчиси





1-расм. Коррекцион машғулотлар функциялари.

Юқорида келтирилган коррекцион машғулотларнинг максади ва функцияларини талабаларга ўргатиш инклюзив ва маҳсус таълим самарадорлигини таъминлашда муҳим омилдир. Чунки ҳар қандай маҳсус педагог ўз фаолиятининг асл моҳиятини ва жамиятдаги ўрнини англаши лозим. Маҳсус педагогларнинг тўғри олиб борилган фаолияти натижасида ахоли ўртасида ўзига ишонмаган, пассив, уюшмаган, ўзини-ўзи банд қилмаган ёшлар камайишига эришилади. Чунки коррекцион машғулотларда имконияти чекланган болалар оғзаки ва ёзма нутқи (ҳар қайси ногиронлик тоифасида), маконда мўлжал олиши (кўришида ва таянч ҳаракатида муаммолари бор болаларда), луғати устида (ҳар қайси ногиронлик тоифасида) тизимли иш олиб борилади. Мазкур ишлар болалардаги чекланган имкониятларни ўрганишга, ташхис қилишга, зарур тузатиш чораларини кўришга йўналтирилади.

Коррекцион машғулотларнинг ўқитишига, тарбиялашга ва ижтимоийлаштиришига кўмаклашувчи вазифалари тўлақонли амалга ошади қачонки, улар олдиндан индивидуал равища оптималь прогноз асосида моделлаштирилса. Нутқида нуқсони бўлган ва эшлишида, кўришида, ақлий ривожланишида муммомлари бўлган болалар нутқи устида олиб бориладиган коррекцион машғулотларнинг моделлари амалиётда бир қанча бўлиб, уларни умумлаштирувчи тавсифлар кўйидагилар:

1. Тиббий-педагогик-психологик ташхисга асосланади.
2. Болаларда нуқсон келиб чиқиши сабабини ойдинлаштирувчи анамнезга таянади.
3. Фронтал ва якка ишлашга мўлжалланади.
4. Ҳар бир машғулот муайян вақт билан чегараланади (якка машғулотлар 20-30 дақика, фронтал машғулотлар 40 дақиқагача).
5. Ҳар бир машғулот учун алоҳида дидактик воситалар тайёрланади.
6. Ҳар бир машғулотнинг тизимлаштирилган босқичлари мавжуд.
7. Ҳар бир машғулотда бола учун ўзига хос индивидуал режа асосида иш олиб борилади.
8. Машғулот натижалари боланинг шахсий қайд дафтари (фонетик кундалиқ, нутқ картаси ...)га ёзиб борилади.
9. Ҳар бир машғулот натижалари мустақил равища ҳамда умумтаълим фанларини ўқитишига мўлжалланган дарсларда мустаҳкамланади.



10. Ҳар бир машғулотда фанларни эгаллаш учун зарур бўлган лугат устида иш олиб борилади. Санаб ўтилган тавсифлар коррекцион машғулотни моделлаштиришда методик мўлжал олишга хизмат қиласди.

Foydalilanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1. Dehqonova, M. (2023). KORREKSION MASHG'ULOT RAHBARI OSTIDA RITMIKA HARAKATLARNI TAKRORLASH VA UNING SAMARADORLIGI. *Молодые ученые*, 1(1), 34-35.
2. Dehqonova, M. (2023). KORREKSION MASHG'ULOT RAHBARI OSTIDA RITMIKA HARAKATLARNI TAKRORLASH VA UNING SAMARADORLIGI. *Молодые ученые*, 1(1), 34-35.
3. Dehqanova, M. (2023). O 'QUVCHILARNING MUSTAQIL FIKRLASH JARAYONLARINING DINAMIKASI. *Центральноазиатский журнал образования и инноваций*, 2(10 Part 3), 173-176.
4. Farangis, I. (2023). NUTQI TO'LIQ RIVOJLANMAGAN BOLALAR LUG'ATINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. *PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION*, 1(16), 53-57.
5. Saparovna, G. A., Abdumajitovna, A. S., Sirojovna, I. O., Qizi, D. M., & Azizovna, E. N. (2023). The Uniqueness of Inclusive Higher Professional Education in Uzbekistan. *Journal of Advanced Zoology*, 44.
6. Saparovna, G. A., Abdumajitovna, A. S., Sirojovna, I. O., Qizi, D. M., & Azizovna, E. N. (2023). The Uniqueness of Inclusive Higher Professional Education in Uzbekistan. *Journal of Advanced Zoology*, 44.
7. Dehqonova, M., & Fayzullayeva, R. (2022). TA'LIM BARCHA UCHUN. INKLUZIV TA'LIM MUQARRAR TA'LIM. *Инновационные исследования в современном мире: теория и практика*, 1(27), 178-182.
8. Dehqonova, M., & To'raqulova, D. (2022). DAVLAT TA'LIM MUASSASALARIDA TARBIYAVIY ISHLARNI SAMARALI TASHKIL ETISH ORQALI O 'QUVCHILARNI INKLYUZIV TA'LIMGA TAYYORLASH. *Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования*, 1(26), 31-34.
9. Dehqonova, M., & Isroilova, M. (2022). MAXSUS TA'LIM TARBIYA OLAYOTGAN BOLALAR MEYORIY HUQUQIY TA'LIMINI TASHKIL ETISH. *Models and methods in modern science*, 1(18), 54-57.
10. Dehqonova, M., & Najmiddinova, N. (2022). MAXSUS EHTIYOJLI BOLALAR TA'LIM TARBIYASI MASALASI BUGUNGI KUNDA ENG DOLZARB MASALASI. *Академические исследования в современной науке*, 1(20), 121-125.
11. G'iyosiddinovna, D. M. (2022). TA'LIM MUASSASALARIDA INKLYUZIV TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH VA TATBIQ ETISH. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMUY JURNALI*, 2(10), 340-344.
12. Muborak, D., & Shahnoza, M. (2022). KASBIY KOMPETENSIYANI RIVOJLANTIRISHDA METODIK JAMLANMALAR YIG'ISH. *Ta'l'm Va Rivojlanish Tahlili Onlayn Ilmiy Jurnali*, 2(10), 371-376.
13. G'iyosiddinovna, D. M. (2022). MAKTABGACHA YOSHDAGI ESHITISHDA NUQSONI BO'LGAN BOLALARDA KORREKSION ISHLARNING AHAMIYATI. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMUY JURNALI*, 475-471.



14. Muborak, D., & Farangis, I. (2022). NUTQ KAMCHILIKLARINI PAYDO BO ‘LISHIDA ARTIKULYATSION APPARAT HOLATINI O ‘RGANISH ZARURATI. *Ta’lim Va Rivojlanish Tahlili Onlayn Ilmiy Jurnalı*, 2(10), 366-370.
15. Muborak, D., & Farangis, I. (2022). NUTQ KAMCHILIKLARINI PAYDO BO ‘LISHIDA ARTIKULYATSION APPARAT HOLATINI O ‘RGANISH ZARURATI. *Ta’lim Va Rivojlanish Tahlili Onlayn Ilmiy Jurnalı*, 2(10), 366-370.
16. Qizi, D. M. G. I., & Azam, E. (2024). ESHITISHIDA NUQSONI BO’LGAN BOLALAR BILAN OLIB BORILADIGAN KORREKSION ISHLARNI INTERFAOL RESURSLARDAN FOYDALANGAN HOLDA TASHKIL ETISH. *Central Asian Journal of Education and Innovation*, 3(6-1), 196-200.

